$\Phi_{L(LD)} = 8600 \text{ лм} - \text{люминицент лампанинг ёруғлик оқими}.$

Цех узунлигини бир қатордаги ёритгичлар сонини узунлиги билан мос келишини текширамиз.

$$a \geq l \cdot n = 1,5 \cdot 8 = 12 \text{ м}$$

$l = 1,5 \text{ м}$  - бир ёритгич узунгиги

Шарт қониқтирганлиги учун ҳар бир қаторда 8 та ёритгич жойлашиши мумкин.

Жами ёритгичлар сони:  $c = n \cdot N = 6 \cdot 8 = 48$  та

Цех ёритич системасини умумий қувватини аниқлаш:

$$1) P_{H,\delta} = P_{\phi,\phi} \cdot N \cdot n \cdot 10^{-3} = 40 \cdot 48 \cdot 10^{-3} = 1,92 \text{ кВт}$$

$$2) P_{x,\delta} = P_{H,\delta} \cdot K_{c,\delta} = 1,92 \cdot 0,85 = 1,63 \text{ кВт}$$

$$3) Q_{x,\delta} = P_{x,\delta} \cdot \operatorname{tg}\varphi = 1,63 \cdot 0,65 = 1 \text{ кВАр},$$

$$4) S_{x,\delta} = \sqrt{P_{x,\delta}^2 + Q_{x,\delta}^2} = \sqrt{1,92^2 + 1^2} = 2,2 \text{ кВА}$$

Люминесцент лампа учун  $P_{\phi} = 40 \text{ кВт} - \text{ЛД маркали лампалар}$

$$K_{c,\phi} = 0,85 - \text{ёритичнинг талаб}$$

коефициенти.

$$\operatorname{tg} = 0,8$$

$$\text{Хисобий ток: } I_{x,\delta} = \frac{S_{x,\delta}}{\sqrt{3} \cdot U_H} = \frac{2,2}{\sqrt{3} \cdot 0,22} = 5,8 \text{ А}$$

Маълумотнома адабиётлардан АВВГ маркали кабел танлаймиз.

Танлаш шарти  $I_{\text{пух.каб}} > I_{\text{пух}}$

$$I_{\delta\delta\delta} = k_n \cdot I_x = 1,1 \cdot 5,8 = 6,38 \text{ A}$$

Кабел АВВГ  $3 \times 10 + 1 \times 5 \text{ мм}^2$  [ ].

$$I_{\text{пух.каб}} = 10 \text{ A} \quad \text{демак, } 10 > 6,38 \text{ A}$$

Юқоридаги хисобларга асосан ЩО-6 русумидаги 12 та автоматта эга бўлган ёритиш шити танлаймиз.

### **2.3. Куч трансформаторлар сони ва қувватини танлаш**

Корхона куч трансформаторларини сонини, қуввати ва схемаларини танлашда электр таъминотини ишончлилик даражасига, электр юкламасини характерига ҳамдакатталикларига алоҳида эътибор берилади.

Маълумки корхонани хисобий тўла қувватини тўғри аниқлаш барча электр қурилмаларини тежамкорлиги, электр таъминотини ишончлилиги ва электр энергия сифатига ижобий таъсир этади. Агарда хисобий қувватни оширилган холда танланган бўлса у холда, электр қурилмаларни номинал қуввати оширилган холда танланади, сим ва кабелларни кўндаланг кесим юзасини хам оширилган холда танланади. Бу эса ортиқча капитал сарифларга олиб келади. Агарда хисобий қувват нормадагидан пасайтириб олинса электр қурилмаларини яроқлилик муддатини камайтиради.

Трансформаторларни танлашда истеъмолчиларнинг электр таъминоти тоифасига эътибор берилиб, бу тоифа бўйича трансформаторларни сони танланади. Агар 1-тоифали истеъмолчилар мавжуд бўлса иккита трансформаторлар танланади. Улардан бири доимо заҳирада туради. Бу заҳира трансформатор авария ҳолатида ишга туширилади.

Агар цехдаги истеъмолчилар 2-тоифали бўлса, унга 2та параллел ишловчи трансформаторлар танланади. Улардан бирининг ишдан чиқиши натижасида иккинчиси унинг қувватини қоплаш шароити бўлиши керак. Бунда биринчи трансформаторни ўз номинал қувватидан 40 % ортиқча юклаш мумкин бўлиши керак. Агар цехдаги истеъмолчилар 3-тоифали бўлса унга битта трансформатор танланади.

Мазкур ҳолатларда юклама коэффициентлар

1-тоифада  $K_{юк}=0,65÷0,70$  бўлиши керак.

2-тоифада  $K_{юк}=0,7÷0,8$  бўлиши керак

3-тоифада  $K_{юк}=0,9÷0,95$  бўлиши керак

Трансформаторлар сонини ва қувватини танлаш билан бирга, уни жойлаштириш ёки истеъмолчиларга яқин монтаж қилиш ишлари муҳим масалалардан биридир. Истеъмолчиларга мумкин қадар яқин қуриш лозим

бўлиб, бу ўтказгичлар ва рангли металларни тежашга, эксплуатация ишларини енгиллаштиришга олиб келади.

Трансформатор қувватини қуйидаги формуладан хисоблаймиз:

$$S_{\hat{o}\hat{\delta}\hat{o}} = \sqrt{(D_{i\hat{a}\hat{e}\hat{n}} + D_{\hat{o}})^2 + (Q_{i\hat{a}\hat{e}\hat{n}} - Q_{\hat{e}})^2} = \sqrt{(147 + 30)^2 + (60 - 56,7)^2} = 177 \text{ кВА}$$

Цех истеъмолчилари 2-тоифа истеъмолчилар тоифасига кирганлиги учун 2 та параллел ишловчи трансформаторлар танлаймиз. У ҳолда юклама коэффициенти:

$$\hat{E}_{\hat{p}\hat{e}} = \frac{S_{\hat{o}\hat{\delta}\hat{o}}}{2 \cdot S_{\hat{o}\hat{\delta}}} = \frac{177}{2 \cdot 100} = 0,8$$

Бу ерда  $S_{tp}=100$  кВА танланган.

$S_{tp}=100$  кВА трансформаторни номинал параметрлари қуйидагича:

1-Вариант

$S_H=160$  кВА

$U_{BH}=6$  кВ

$U_{HH}=0,4$  кВ

$\Delta P_{x,x} = 1,16$  кВт

$\Delta P_{k,3} = 3,1$  кВт

$U_{k,3}=4,5$  %

$I_{x,x}=2,4$  %

$K_{160}=15472$  минг сўм

2-Вариант

$S_H=100$  кВА

$U_{BH}=6$  кВ

$U_{HH}=0,4$  кВ

$\Delta P_{k,3} = 2,27$  кВт

$\Delta P_{x,x} = 0,85$  кВт

$U_{k,3}=6,5$  %

$I_{x,x}=2,6$  %

$K_{100}=12960$  минг сўм

## Техник иқтисодий асослаш

1) Танланган ТМ-100/6 типли трансформаторни бошқа вариант билан солишириб, уларни ўзаро энг оптимал вариантда иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқамиз.

1-вариант қуввати 160 КВА бўлса  $2 \times 160$  кВА бўлади

2-вариант қуввати 100 КВА бўлса  $2 \times 100$  КВА бўлади.

Вариантлар бўйича трансформаторларнинг юкланиш коэффициенти

$$B1; \quad \hat{E}_{p.1} = \frac{S_{\partial\partial\delta}}{1 \cdot S_{\partial\partial.i}} = \frac{177}{2 \cdot 160} = 0,55$$

$$B2; \quad \hat{E}_{p.2} = \frac{S_{\partial\partial\delta}}{2 \cdot S_{\partial\partial.i}} = \frac{177}{2 \cdot 100} = 0,8$$

2) Капитал ва эксплуатацион сарфлар қуидагича аниqlанади. Аввал ҳар иккала вариант учун техник қийматлар жадвалини тузамиз. [ ].

№	Трансформаторларнинг тури ва қуввати (КВА)	Трансформаторлар сони (дона)	Салт ишлаш йўқотишлари $\Delta P_{x.x}$	Қисқа туташув йўқотишлари $\Delta P_{k.z}$	Трансформаторнинг таннархи (сўм)
1	TM – 160	2	1,16	3,1	30944
2	TM – 100	2	0,85	2,27	25920

3) Капитал сарфлар:  $K = n \times K_1$

$$K_1 = 2 \cdot K_t = 2 \cdot 15472 = 30944 \text{ сўм}$$

$$K_2 = 2 \cdot K_t = 2 \cdot 12960 = 25920 \text{ сўм}$$

4) амортизация ажратмалари:

$$C_{a1} = P_a \cdot K_1 = 0,1 \cdot 30944 = 3094,4 \text{ минг сўм}$$

$$C_{a2} = P_a \cdot K_2 = 0,1 \cdot 25920 = 2592 \text{ минг сўм}$$

5) Ўзгарувчан ва ўзгармас энергия йўқотишларнинг солиштирма нархларини куидагича аниқлаймиз:

$$m = \left[ \left( \frac{\alpha}{T_M} \right) + \beta \cdot 10^{-3} \right] \cdot \tau = \left( \frac{50}{3400} \right) + 6 \cdot 10^{-3} \cdot 1840 = 38,64 \text{ сўм}$$

$T_M = 3400$  соат – трансформаторнинг иш вақти

$\tau = 1840$  - юклама билан иш вақти

$\alpha = 50, \beta = 6 \cdot 10^{-3}$  - доимий коэффициентлар

$$m_0 = \left[ \left( \frac{\alpha}{T_M} \right) + \beta \cdot 10^{-3} \right] \cdot T_{\text{шил}} = \left( \frac{50}{3400} \right) + 6 \cdot 10^{-3} \cdot 4380 = 92$$

Кундуз кунлари трансформаторни салт ишлашини олдини олиш учун уни ўчиришни ташкил этамиз. Аслида йиллик иш соати  $T_{\text{йил}} = 8760$  соатдир.

6) Қувват йўқотишлари ва энергия сарфларини ҳисобга олиб ажратмаларни аниқланади:

$$C_{n1} = m_o \cdot \Delta P_{xx1} + K_{\zeta 1}^2 \cdot \Delta D_{\dot{\phi}, \zeta 1} \cdot m = 92 \cdot 1,16 + 0,55^2 \cdot 3,1 \cdot 38,6 = 138,8 \text{ иёллар номи}$$

$$C_{n2} = m_o \cdot \Delta P_{xx2} + K_{\zeta 2}^2 \cdot \Delta D_{\dot{\phi}, \zeta 2} \cdot m = 92 \cdot 0,85 + 0,8^2 \cdot 2,27 \cdot 38,6 = 134 \text{ иёллар}$$

7) Вариантлар бўйича йиллик келтирилган харажатларни топамиз:

$$Z_1 = P_H \cdot K_1 + C_{a1} + C_{n1} = 0,125 \cdot 30944 + 3094,4 + 138,8 = 7100,8 \text{ минг сўм}$$

$$Z_2 = P_H \cdot K_2 + C_{a2} + C_{n2} = 0,125 \cdot 25920 + 2592 + 134 = 5966 \text{ минг сўм}$$

Юқоридаги ҳисоблашлардан кўринадики йиллик келтирилган харажатлари кам бўлган вариантни 2-вариантни, яъни ТМ-100 кВА ТПни қабул қиласиз.

Хозирги вактдаги нархни белгилаш учун ҳисобланган нархларни биржадаги нархлар коэффициентига кўпайтириш керак.

## **2.4 Корхона пасайтирувчи одстанцияси ўрнатиш жойини аниқлаш**

Саноат корхоналарининг бош пасайтирувчи подстанцияларида электр энергетикаси тизимидан узатилган юқори кучланишли (6 ёки 10 кВ) электр энергиясини 0,4 кВ ли кучланишга пасайтирилади.

БПП нинг ўрнатилиши жойини тўғри танлаш саноат корхонасининг электр таъминоти тизимини оптимал лойихалашдаги асосий масалаларидан бири хисобланади[ ].

Корхонанинг электр таъминотини лойихалаштиришда унинг бош плани берилиб, унда барча цехлар ва бошқа объектлар кўрсатилади. Цехларнинг жойланиши корхонанинг технологик жараёнидан келиб чиқади. Планда цех ва бошқа объектлардаги қурилмаларнинг ўрнатилган кувватлари кўрсатилади.

Булардан ташқари айrim цех ва корхонанинг актив ва реактив кувватларининг ёзги ва қишки фаслларига тегишли бўлган характерли кунлик графиклари берилади.

БПП жойланиш ўрнини танлаш учун корхона бош планига юкламалар картограммаси чизилади. Картограмма деганда ҳар бир цех, объектлар майдонларида чизилган доиралар тушунилади. Уларнинг марказлари қилиб объектлар, цехлар планларининг марказлари олинади. Чизилган доираларнинг юзалари олинган масштабда цех юкламаларига teng бўлади. Цех ёки корхона юкламаларининг марказлари электр энергия қабул қилувчиларнинг символик маркази хисобланади[ ].

БПП ва цех подстанцияларини имконият борича ушбу марказга жойлаштириш керак. Бу эса юқори кучланишли электр энергиясини истеъмолчиларга яқинлаштиради, юқори ва паст кучланишли тарқатувчи электр тармоқларининг узунлигини қисқартиради, сарфланадиган ўтказгичлар узунликларини камайтиради ва электр энергиясининг нобудгарчилиги озайшига олиб келади. Булардан ташқари юкламалар картограммаси асосида электр юкламаларни корхона худудида қандай тақсимланганлигини тасаввур қилиш имконияти яратилади.

Картограммани актив ва реактив юкламалар учун алохидада куриш мақсадга мувофиқдир. Чунки, актив ва реактив қувват истеъмолчиларнинг корхона майдони бўйича жойлашишлари ҳар хил бўлиб, улар айрим-айрим манбаларга уланиши мумкин.

Картограмма доираларининг радиуслари қўйидаги ифодалардан аниқланади:

$$r_{ia} = \sqrt{P_{xi} / \pi n}; \quad r_{ip} = \sqrt{Q_{xi} / \pi n}.$$

Бунда:  $P_{xi}$ -i-цехнинг хисобий актив қуввати

$Q_{xi}$ -i-цехнинг хисобий реактив қуввати

м-доира юзини аниқлаш учун масштаб

Актив юкламаларнинг таъминоти электр системасидан бажарилса, реактив қувват манбай сифатида махсус конденсатор батареяларини, синхрон компенсаторларни, реактив қувватнинг вентилли статик манбалари ишлатилиши мумкин. Реактив қувват манбаларини ўрнатиш жойи реактив қувват картограммаси асосида юкламаларнинг синволик марказини аниқлаш натижасида топилади. Реактив қувват компенсаторлари ўринларини нотўғри танлаш реактив қувват оқимларини электр таъминоти тизими элементларидан кераксиз харакатларига олиб келади ва электроэнергиянинг кўшимча нобудгарчиликларига сабаб бўлади.

Картограмманинг ҳар бир доирасини секторларига ажратиш мумкин. Бу секторларнинг юзалари мос равища юқори кучланишли, паст кучланишли ва ёруғлик юкламаларига пропорционал бўлади. Агар бирор цехда юқори кучланишли, паст кучланишли истеъмолчилар ва ёритиш қурилмалари мавжуд бўлса, хисобий қувват З ташкил этувчидан иборат бўлади, яъни

$$P_h = P_{юк} + P_{п.к} + P_{е}$$


Бунда:  $P_h$ -цехнинг умумий хисобий актив юкламаси

$P_{юк}$ -цехдаги юқори кучланишли истеъмолчиларнинг хисобий қуввати.

$P_{п.к}$ -паст кучланишли истеъмолчиларнинг хисобий қуввати

$P_{е}$ -ёритиш қурилмаларининг хисобий юкламаси

1-расмда цех юкламасининг доираси ва юқори кучланишли истеъмолчилар, ёритиш қурилмалари хосил қилган юкламаларнинг секторлари кўрсатилган.




1-расм Секторларнинг марказий бурчаклари қўйидагича аниқланади:

$$\alpha_1 = \frac{P_{yo} \cdot 360^0}{P_x};$$

$$\alpha_1 = \frac{P_{yok} \cdot 360^0}{P_x}.$$

1-расмда мисол тариқасида ўртача қувватли саноат корхонасининг юкламалар картограммаси кўрсатилган. Картограмма тахлили кўрсатишича, корхонанинг 3 ва 5 цехлари энг кўп актив юкламаларга эга. Юқори кучланишли истеъмолчилар фақат 5 чи цехда мавжуд бўлиб, барча цехлар кучланишли юкламалар ва ёритиш қурилмаларига эга. Картограммани қуришда доираларнинг марказлари цех шаклларининг геометрик марказларига жойлаштирилган.



2-расм. Уртача қувватли саноат корхонасининг юкламалар картограммаси

Қурилган картограмма асосида корхона юкламаларининг шартли маркази (ЮШМ) аниқланади. Цех юкламалари унинг юзаси бўйича текис тақсимланган деб фараз қилинса ЮШМ цех геометрик шаклининг марказида деб қабул қилинади. Корхонанинг ЮШМ ни аниқлашда қўйидаги формулалардан фойдаланилди:

$$x_0 = \frac{\sum_{i=1}^n P_i x_i}{\sum_{i=1}^n P_i}; \quad y_0 = \frac{\sum_{i=1}^n P_i y_i}{\sum_{i=1}^n P_i}$$

Бунда:  $P_i$ ;  $x_i$ ;  $y_i$  –  $i$  цехнинг хисобий актив қуввати ва унинг геометрик марказининг координаталари.

Агар корхона кўп қаватли бинога жойлашган бўлса, 3 чи координатани ҳам хисобга олиш керак. Корхонанинг ЮШМ координаталарини аниқлашда цехларнинг юкламалари ва уларнинг ишлаш вақтларини назарда тутиб қуидаги ифодалардан фойдаланиш мумкин.

$$x_0 = \frac{\sum_{i=1}^n R_i x_i T_i}{\sum_{i=1}^n R_i T_i}; \quad y_0 = \frac{\sum_{i=1}^n R_i y_i T_i}{\sum_{i=1}^n R_i T_i}$$

Бунда:  $T_i$ - $i$  цехнинг ишлаш вақти


Корхона ЮШМ ни аниқлашнинг танишилган усули ўзининг соддалиги ва осон тасаввур қилина олиши билан ажралиб туради. Танишилган усулда ЮШМ корхона худудидаги қўзғалмас бир нуқта деб қаралади. Бу эса хақиқатдан узоқ бўлиб, юкламалар графиги ўзгарувчан бўлганлиги учун юкламалар маркази корхона худуди бўйича кун давомида ўзгариб туради. Бундан ташқари цехлар сменаларининг ўзгариши, корхонанинг ривожланиши, қўшимча обьектларнинг қурилиши электр юкламалар марказининг ўзгаришига олиб келади. Кун давомида юкламалар маркази қандайдир мураккаб шаклни чизади. Махсус изланишларнинг кўрсатишича бу шакл эллипсдан иборат бўлади.

Агар ҳар хил сабабларга (технологик, архитектуравий, экологик ва хакозо) биноан БПП ни корхонанинг ЮШМ га ўрнатишнинг иложи бўлмаса, уни ташқи электр манбаи томонга силжиш тавсия этилади.

Агар электр энергияси системадан марказий тарқатиш пункти (МТП) орқали корхона цехларига узатиладиган бўлса, унинг ўрнатиш жойини аниқлашда ЮШМ ни аниқлаш шарт эмас. МТР ўрни танланганда электр энергиясининг тескари томонга узатилишига йўл қўймаслик керак. Бундай талаб бажарилганда ўтказгич материаллари тежалади ва электр энергияси нобудгарчилиги камаяди. З-расмда МТП ўрнининг тўғри (а) ва нотўғри (б) жойланишлари кўрсатилган. З-б, расмда биринчи цех подстанцияларига келаётган энергиянинг йўналиши ташқа манбаи томонига тескари

йўналган. Цехларнинг трансформатор подстанцияларини иложи борича истеъмолчилар гурухига яқин жойлаштириш зарур. Бундан ташқари подстанциянинг ўрни танланганда ишлаб чиқариш биносининг шакли, технологик қурилмаларининг жойланиши, совутиш шароитлари, ёнғиндан хавфсизлиги ва ишлатиладиган электр жихозларининг турларини хисобга олиш керак бўлади[ ].


Кўп холларда подстанциялар цех ичидаги цех биносига ички ёки ташқи томондан бириктирилган тарзда қурилади. Саноат корхоналари электр таъминотида комплект трансформатор подстанциялари (КТП) кенг ишлатилади. Бундай КТП лар заводлардан тўла йиғилган холда келтирилади. Улар трансформаторлардан, комплект тақсимлаш қурилмаларидан (КТК) тузилган бўлиб, манзилга етказиш осон, кам эгаллайди, монтаж ишларини тезкорлик билан бажариш мумкин.



3-расм. КТП ўрнининг тўғри (а) ва нотўғри (б) жойланишлари кўрсатилган.


## 2.5. Корхона электр таъминоти тизмини аниқлаш

Корхона электр таъминот тизими радиал, магистрал ва аралаш схемалар бўйича амалга оширилади. Радиал схемалар электр энергияси истеъмолчилари манбадан хар хил йўналишда жойлашганда қўлланилади. Бунда электр энергия манбадан истеъмолчиларга тўғридан тўғри узатилади. Радиал схемаларни авфзаллиги шундаки, агар битта линия шикастланса йки таъмирлашга чиқарилса битталиния узилади холос -расмда келтирилган.



4-расм. Корхона электр таъминотини радиал линияларда таксимланиши

Корхона электр истеъмолчиларни сиони кўп бўлиб радиал схемалардан фойдаланиш нокулай бўлса магистрал линиялардан фойдаланилади. Магистрал линиялар истеъмолчилар тоифасидан келиб чиқиб, бир магистралли ва икки магистралли линияларга бўлинади. Бир магистралли линиялар энг арzon бўлиб тўхтовсиз ишлайдиган технологияларда қўлланилади.



5-расм. Корхона электр таъминотини магистрал линияларда таксимланиши

Аралаш (радиал,магистрал) линиялар қуввати ва юклама графиги турлича, тофалари хар хил бўлган йирик корхоналарда қўлланилади. Бунда йирик ва маъсулятли истемолчилар радиал схема бўйича, ўртача ва кичик гурухли истеъмолчилар гурухларга бўлинган холда магистрал линияларда таъминланади.

Пресс электр жихозлари цехини электр истеъмолчилари ўрта қуввтли ва маъсулятли бўлганлиги учун радиал схамадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Цех электр таъминоти тизими учун ўтказгичлар ва кабел линияларини танлашлашда техник ва иқтисодий омилларни хисобга олиш керак. Техник омиллар қўйидагилардан иборат.

-иши ток таъсиридан узоқ вақт давомида қизиши  
-қиқса туташув токи таъсиридан қисқа вақт давомида қизиши  
-ташқи мухиткучларига (шамаол, симнинг муз билан қопланган қисминг оғирлиги) ва ўзининг оғирлиги таъсиридан содир бўладиган техник юкламага чидамлилигидир.

Мълумки электр токи ўтказгичдан ўтганда у маълум даражада қизийди. Ўтказгичнинг қизиш температураси, ундан ажралиб чиқаётган электр энергия миқдори ҳамда иссиқликни сим сиртидан атроф мухитга узатиш шароитига боғлиқ. Ўтказгичдан ажралиб чиқсан иссиқлик миқдори, ўтказгичдан атрофга тарқалаётган иссиқлик миқдорига teng бўлса ўтказгич харорати ўзгармайди. Ўтказгични шундай кесим юзада танлаш керакки у қизимасин бунинг учун ўтказгичнинг номинал токи ( $I_n$ ), истеъмолчини хисобий токидан катта ёки teng бўлиши керак яъни.

$$I_n \geq I_x$$

6 кВ ли хаво тармоғи учун ўтказгич танлаймиз. Бизга маълумки йигириув цехи 110/6 кВ ли нимстанциясидан 930 метр масофада 6 кВ ли кучланиш билан таъминланган, фойдаланилган ўтказгични кесим юзасини, Тежамли ток зичлиги бўйича танлаймиз.

$$I_x = \frac{S_x}{\sqrt{3} \cdot U_n} = \frac{277}{1.73 \cdot 6} = 26,6A$$

Хисобий токлар қийматига асосан маълумотномадан юқори кучланишли линя учун (6 кВ) АС типли утказгич танлаймиз симни кўндаланг кесим юзасини авария холатларида рухсат этилган ўта юкланиш ва нормал иш режимларда рухсат этилган токни хисобга олиб аниқлаймиз. Аварияни бартараф этиш вақтини максимал 6 соат, нормал иш режимида линияни юкланиш коэффициенти 0,6 га teng, рухсат этилган ўта юкланиш коэффициенти 1,25 ва юкланиш токини пасайиш коэффициенти  $K_{pk}=0,9$  деб қабул қилинган [ ]. Хаво линиясини рухсат этилинган токини аниқлаймиз.

$$I_x = \frac{S_x}{\sqrt{3} \cdot U_n} = \frac{175}{1.73 \cdot 6} = 17A$$

Танланган симни техник параметрларини келтирамиз, тип: АС-16,  $U_n=6\text{kV}$ ,  $I_n=105\text{A}$ ,  $R_o=2\text{ ом/км}$ ,  $X_o=0,33\text{ ом/км}$ ,  $L=600\text{ м}$ .

Корхона 0,4 кВ ли кабел линияларини танлаймиз. Бизга малумки хозирда ишлаб турган цехлар. Корхона Бош пасайтирувчи нимстанциясидан кабел линиялари орқали 0,4 кВ кучланиш билан таъминланган, фойдаланилган кабелни кесим юзасини хам ишчи ток тасиридан узоқ вақт қизиш усулидан фойдаланиб аниқлаймиз. Наъмунавий хисоблашларни Пресс электр жихозлари цехи мисолида кўриб чиқамиз, цехни белгиланган актив қуввати  $P_h=62\text{ kWt}$  ни ташкил этади.

-хисобий актив қувват

$$P_{x1} = \sum K_c \cdot P_H = 0,35 \cdot 62 = 21\text{ kWt}$$

-хисобий реактив қувват:

$$Q_{x1} = \delta_f \cdot \operatorname{tg} \varphi = 21 \cdot 0,65 = 13,65\text{ kVAp}$$

-хисобий тўла қувват:

$$S_{x1} = \sqrt{P_{x1}^2 + Q_{x1}^2} = \sqrt{21^2 + 13,65^2} = 25\text{ kVA}$$

-хисобий ток:

$$I_{x1} = \frac{S_{x1}}{\sqrt{3} \cdot U_H} = \frac{25}{\sqrt{3} \cdot 0,38} = 38\text{ A}$$

Бу ерда  $U_H$  - электр истеъмолсчиларининг номинал кучланиши  $U_H = 0,38$  кВ

Кабелни танлаш шарти  $I_{pyx, kab} > I_{pyx}$

$$I_{\delta\delta\delta} = k_n \cdot I_x = 1,1 \cdot 105 = 41 \text{ A}$$

юқорида бажарилган амаллар ва танлаш шартларига асосан Преслаш цехи учун маълумотнома адабиётлардан АВВГ 3×35+1×16  $\text{мм}^2$  [ ].маркали кабел танлаймиз, танланган кабелни техник параметрларини келтирамиз, тип: АВВГ 3×35+1×16,  $U_n=0,4$  кВ,  $I_n=130\text{A}$ ,  $R_o=2,96$  ом/км,  $X_o=1,01$  ом/км,  $L=168$  м.

Қолган барча цехлар ва ёрдамчи бўлимлар учун юқоридаги хисоблашларни бажарамиз.

- танланган хаво линияси ва кабел линияларидағи қувват исрофларини хисоблаймиз.

6 кВ ли хова линияси учун

$$\Delta P_1 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 17^2 \cdot 0.93 = 0,86 \text{ A}$$

-корхона нимстанциясидан цех таркатиш пунктитигача

бўлган кабел линияларини хисоби

$$\Delta P_2 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 38^2 \cdot 0.35 = 1,51 \text{ A}$$

$$\Delta P_3 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 37^2 \cdot 0.30 = 1,21 \text{ A}$$

$$\Delta P_4 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 38^2 \cdot 0.30 = 1,36 \text{ A}$$

$$\Delta P_5 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 37^2 \cdot 0.33 = 1,46 \text{ A}$$

$$\Delta P_6 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 38^2 \cdot 0.28 = 1,21 \text{ A}$$

$$\Delta P_7 = 3 \cdot I_x^2 \cdot l = 3 \cdot 38^2 \cdot 0.30 = 1,36 \text{ A}$$

Умумий қувват исрофи

$$\Sigma \Delta P = \Delta P_1 + \Delta P_2 + \Delta P_3 + \Delta P_4 + \Delta P_5 + \Delta P_6 + \Delta P_7 = 0,8 + 1,51 + 1,21 + 1,3 + 1,4 + 1,21 + 1,3 = 8,73 \text{ A}$$

Йиллик электр энергия исрофи  
 $\Delta Y = \Sigma \Delta P \cdot \dot{O} = 8,73 \cdot 3400 = 29682 \text{ J}, \text{ñiàd}$

Йиллик электр энергия йўқотишлар қиймати  
 $\tilde{N}_i = \tilde{N}_{ii} \cdot \Delta Y = 0,0547 \cdot 29682 = 1623 \text{ J}, \text{ñoi}$

Хаво ва кабел линияларни умумий қиймати

$$\Sigma K = K_1 L_1 + K_2 L_2 + K_3 L_3 + K_4 L_4 + K_5 L_5 + K_6 L_6 + K_7 L_7 = 8500 \cdot 0,93 + 3500 \cdot 0,35 + 3500 \cdot 0,30 + 3500 \cdot 0,30 + 3500 \cdot 0,33 + 3500 \cdot 0,28 + 3500 \cdot 0,30 = 7905 + 1050 + 1050 + 1155 + 980 + 1050 = 11390 \text{ J}, \text{ñoi}$$

## 2.6 Электр курилмаларида қисқа туташувлар

Электротехник ускуналарида қисқа туташувни ҳар хил турлари бўлиши мумкин, барчаси токнинг кескин ўсишига олиб келади. Шу сабабли электр таъминот тизимида ўрнатилган электр ускуналар қисқа туташуви токларига чидаши ва ускуналарни танлашда токни бу қийматларини ҳисобга олиши керак.

Қисқа туташув турлари қўйидагича:

- уч фазали ёки симметриялик -учта фаза бир-бирига уланади;
- икки фазали – иккита фаза бир-бирига уланади, аммо ер билан уланмайди;
- бир фазали -битта фаза ер орқали манбани нейтрал сими билан уланади;
- ер билан жуфтлик қисқа туташув – иккита фаза бир-бирига ва ерга қисқа туташуви.

Электр таъминот тизимида қисқа туташувларни асосий сабаблари қўйидагилар:


- электр ускуналар қисмларида изоляцияни шикастланиши; ускуналарга хизмат қилувчи ходимлар хатолари;
- ускуналарни ток ўтказувчи қисмларига ёд нарсаларни тегиши.

Тизимдаги қисқа туташув қўйидагиларга олиб келиши мумкин:

- қисқа туташув бўлган нуқтага уланган истеъмолчилар электр энергия таъминотидан узилади;
- шикастланмаган тизим занжирларида кескин кучланиш пасайиб кетади ва истеъмолчилар нормал (меъёрий) режимда ишлашига халақит беради;
- электр энергия тизими нормал режимда ишлашига таъсир этади.

$U_{\text{ном}}=0,4 \text{ кВ}$  ли шиналарда қисқа туташув токларини топиш (расм )

6 кВ ли таъминловчи тизимда узиш номинал қуввати  $S_{y3}=200 \text{ МВ}\cdot\text{А}$ , ВМЭ-6 типли юкламани узиш узгичи ўрнатилган. Трансформатор АВМ-15 русумли автомат орқали  $U_{\text{н.ном}}=0,4 \text{ кВ}$  ли алюмин шинага уланган, шина узунлиги 5 м, шина қалинлиги  $80 \times 8 \text{ мм}^2$ , шиналар ораси  $\ell=250 \text{ мм}$ . Трансформаторни техник кўрсаткичлари:  $S_{\text{ном.т.}}=100 \text{ кВ}\cdot\text{А}$ ,  $U=6/0,4 \text{ кВ}$ ,  $U_k=6,5 \%$ ,  $\Delta P_M=2,27 \text{ кВт}$ .



6 -расм Кисқа туташув токларига оид схема

Тизим қаршилиги  $X_C = U_{\text{н.ном}}^2 / S_{yz} = 100^2 / (200 \times 10^6) = 0,5 \text{ мОм}$ .

Трансформатор қаршиликларини нисбий қийматлари (паспортда берилган):

$$r_T = \Delta P / S_{\text{ном..T}} = 2,27 / 100 = 0,0227;$$

$$X_T = \sqrt{u_k^2 - r_{*T}^2} = \sqrt{0,06^2 - 0,0227^2} = 0,064.$$

$0,4 \text{ кВ} = 400 \text{ В}$  кучланишга келтирилган трансформатор қаршиликлари:

$$r_T = 0,0227 \cdot 400^2 / (100 \cdot 10^3) = 3,6 \text{ м Ом};$$

$$X_T = 0,064 \cdot 400^2 / (100 \cdot 10^3) = 10,24 \text{ м Ом}.$$

Солишиниң қаршилиги  $X_0 = 0,179 \text{ ом/м}$ ,  $r_0 = 0,06 \text{ Ом/м}$  бўлган узунлиги  $\ell = 250 \text{ мм}$ -ли шинани қаршилигини топамиз:

$$r_{\text{ш}} = 0,06 \cdot 5 = 0,3 \text{ м Ом}; X_{\text{ш}} = 0,179 \cdot 5 = 0,79 \text{ м Ом}.$$

Бу ерда:  $\ell = 250 \text{ мм}$  аммо занжирда  $\ell$  иккига кўпайтирилади.

$$\ell \times 2, 250 \times 2 = 500 \text{ (мм)}.$$

Автомат контактларини ўтиш қаршилигини  $0,3 \text{ мОм}$  teng оламиз. +исқа туташув нуқтасида ва шиналар уланган жойини ўтиш қаршилигини  $-15 \text{ мОм}$  га teng оламиз. Бунда қисқа туташув занжирини йи/инди қаршилиги

$$r_{\Sigma} = 3,6 + 0,3 + 15 = 18,9 \text{ мОм}; X_{\Sigma} = 0,064 + 10,24 + 0,79 = 11,1 \text{ мОм};$$

$$Z = \sqrt{18,9^2 + 11,1^2} = 21,9 \text{ мОм} \text{ га teng бўлади.}$$

Қисқа туташув токи

$$I_K = 100 / (\sqrt{3} \cdot 21 \cdot 10^{-3}) = 4 \text{ кА}.$$

Зарба токи (ахборотномаларда графиклар бўйича) куйидагича бўлганда

$$X_{\Sigma} / r_{\Sigma} = 11,1 / 18,9 = 0,58; R_y = 1,03$$

$$I_y = \sqrt{2} \cdot 1,03 \cdot 4 = 5,8 \text{ кА}.$$

қисқа туташув умумий таъсир этувчи токини топамиз,

$$I_y = 5,8 \sqrt{1 + 2(1,03 - 1)^2} \approx 6 \text{ кА}.$$

## **2.7. Нимстанция аппаратларини танлаш**

Электротехника қурилмаларининг давомли иш режими деганда, совутувчи мухит температураси ўзгарганда унинг қисимлари белгилангандан ошмайдиган температурагача қизиш учун зарур иш режими тушунилади. Электротехника қурилмасининг давомли иш режими энергосистема ёки электр установка қўйидаги; нормал, ремонт, авариядан кейинги режимлардан бирида бўлиши мумкин.

Нормал режим- электротехника қурилма параметрларининг қийматлари берилган экспултация шартларида белгиланган чегаралардан четга чиқмайдиган иш режими хисобланади. Нормал иш режимда электр қурилмасининг хамма элементлари мажбурий узилмай ва ўта юкланмай ишлайди. Бу режимда юклама токи юклама графигига қараб ўзгариши мумкин электр қурилма ва ток ўтказувчи қисимларни танлаш учун нормал режимдаги энг катта ток миқдорини қабул қилиш лозим.

1) Нимстанция 6 кВ ли томон учун мойли узгич танлайимз, узгични танлашда техник параметрларидан фойдаланамиз

а) Номинал кучланиш бўйича

$$U_h \geq U_x$$

$$6 \text{ kV} \geq 6 \text{ kV}$$

б) Номинал ток бўйича

$$I_h \geq I_x$$

$$200 \text{ A} \geq 16,6 \text{ A}$$

$$I_x = \frac{P}{\sqrt{3} \cdot U \cdot \cos \varphi} = \frac{147}{1,73 \cdot 6 \cdot 0.85} = 16,6A$$

Юқоридаги шартларга асосан жадвалдан [ ] узгич танлаймиз ва техник параметрларини келтрамиз.

Тип: ВМЭ-6-200-4

$U_h = 6 \text{ kV}$  номинал кучланиши

$U_{p3} = 7.2 \text{ kV}$  рухсат этилган кучланиш

$I_h = 200 \text{ A}$  номинал токи

$I_{yz} = 10 \text{ kA}$  узиш токи

$t = 0,105 \text{ с}$  түлиқ узиш вақти

- 2) Нимстанция 6 кВ ли томон учун ажратгич танлаймиз, ажратгични танлашда техник параметларидан фойдаланамиз

а) Номинал кучланиш бүйича

$$U_h \geq U_x$$

$$6 \text{ kV} \geq 6 \text{ kV}$$

б) Номинал ток бүйича

$$I_h \geq I_x$$

$$200 \text{ A} \geq 16,6 \text{ A}$$

Юқоридаги шарттарга асосан жадвалдан [ ] ажратгич танлаймиз ва техник параметрларини көлтирамиз.

Тип РЛН-6/200

$U_h = 6 \text{ kV}$  номинал кучланиши

$U_{p3} = 7.2 \text{ kV}$  рухсат этилган кучланиш

$I_h = 200 \text{ A}$  номинал токи

- 3) Нимстанция 6 кВ ли томон учун ерлаштиргич танлаймиз, ерлаштиргични танлашда техник параметларидан фойдаланамиз

а) Номинал кучланиш бүйича

$$U_h \geq U_x$$

$$6 \text{ kV} \geq 6 \text{ kV}$$

б) Номинал ток бүйича

$$I_h \geq I_x$$

$$200 \text{ A} \geq 16,6 \text{ A}$$

Юқоридаги шарттарга асосан жадвалдан [ ] ерлаштиргич танлаймиз ва техник параметрларини көлтирамиз.

Тип ЗР-6УЗ

$U_h = 6 \text{ kV}$  номинал кучланиши

$U_{p3} = 7.2$  кВ рухсат этилган кучланиш

$I_h = 400$  А номинал токи

- 4) Нимстанция 6 кВ ли томон учун разрядник танлаймиз, разрядникни танлашда техник параметларидан фойдаланамиз

а) Номинал кучланиш бўйича

$$U_h \geq U_x$$

$$6 \text{ кВ} \geq 6 \text{ кВ}$$

Юқоридаги шартларга асосан жадвалдан [ ] разрядник танлаймиз ва техник параметрларини келтирамиз.

Тип РВО-6-У1

$U_h = 6$  кВ номинал кучланиши

$U_{p3} = 7.2$  кВ рухсат этилган кучланиш

- 5) Нимстанция 0.4 кВ ли томон учун автомат узгич танлаймиз, автомат узгични танлашда техник параметрлардан фойдаланамиз. Бу автомат узгич 0.4 кВ ли барча юкламаларни ўзидан ўтказади.

а) Номинал кучланиш бўйича

$$U_h \geq U_x$$

$$0.4 \text{ кВ} \geq 0.4 \text{ кВ}$$

б) Номинал ток бўйича

$$I_h \geq I_x$$

$$2500 \text{ А} \geq 1700 \text{ А}$$

$$I_x = \frac{P}{\sqrt{3} \cdot U \cdot \cos \varphi} = \frac{147}{1,73 \cdot 0,4 \cdot 0,85} = 250A$$

Юқоридаги шартларга асосан жадвалдан [ ] автомат узгич танлаймиз ва техник параметрларини келтирамиз.

Тип А3140

$U_h = 0.4$  кВ номинал кучланиши

$I_h = 400$  А номинал токи

$I_{yz} = 6$  кА узиш токи

$t = 0,25$  с түлиқ узиш вақти

- 6) Хар бир цехлар учун автомат узгич танлаймиз, автомат узгични танлашда техник параметрлардан фойдаланамиз. Тикувчилик цехи учун намунавий хисоблашни бажарамиз

а) Номинал кучланиш бүйича

$$U_h \geq U_x$$

$$0.4 \text{ kV} \geq 0.4 \text{ kV}$$

б) Номинал ток бүйича

$$I_h \geq I_x$$

$$200 \text{ A} \geq 163 \text{ A}$$

$$I_x = \frac{P}{\sqrt{3} \cdot U \cdot \cos \varphi} = \frac{60}{1,73 \cdot 0,4 \cdot 0,85} = 102A$$

Юқоридаги шарттарга асосан ва қолган цехларни хисобий қуввати бар бирига яқин бўлганлиги учун жадвалдан [ ] автомат узгич танлаймиз ва техник параметрларини келтирамиз.

Тип А3120

$U_h = 0.4$  кВ номинал кучланиши

$I_h = 200$  А номинал токи

$I_{yz} = 4.4$  кА узиш токи

$t = 0,25$  с түлиқ узиш вақти

$n = 10$  дона

## **2.8.Заминлаш қурилмаларини хисоблаш**

Заминлаш қурилмасини хисоблашдан мақсад биринчи навбатда электр қурилмалари ва жихозларини ток ўтказмайдиган қисмларини эхтимолли кучланиш остида қолганда, ходимни электр токи таъсиридан ҳимоялаш учун ишлатилади. Ушбу бажарилаётган ишда барча ҳимоявий воситалардан ерлаштириш ва ноллаштириш тизими қўлланилади. Ҳимоявий ерлаштириш электр қурилмаларни ток ўтказмайдиган қисмлари, яъни кучланиш остида бўлмайдиган металл қисмларини электр жихозни изоляциясини бузилиши натижасида кучланиш остига тушиши ҳолатларидан сақлаш учун металл қисмларни олдиндан ерлаштириш қурилмасига улашдир.

Ҳимоявий ноллаштириш тизими 1000 В кучланишгача бўлган электр қурилмалари ва электр тармоқларида электр жихозларни ток ўтказмайдиган металл қисмларини ҳимоявий нол сими орқали трансформаторни ерлаштириш қурилмасига улашдир. [ ].

Ҳимоявий ерлаштириш қурилмаларини 2 хил тури бўлади. Биринчисида ерлаштириш қурилмаси монтаж қилинади. Барча ерлаштириш электродлари бир-бири билан металл қисмлар орқали бойланиб, трансформаторни нейтралига ёки электр қурилмаларни корпусларига уланади. Шунингдек, объектдаги истеъмолчиларни ток ўтказмайдиган қисмларини ерлаштириш қурилмаси билан электрик бирлаштирилади.

Заминлаш электр токи ўтказувчи қисмларни қисқа туташувда электр хавфсизлигини таъминлаш, электр қурилмаларини нормал иш режимини таъминлаш ва иншоатларни атмосфера ўта кучланишидан ҳимоялаш мақсадида қўлланилади. Заминлаш қурилмаси деганда заминловчи ва заминлаш ўтказгичлар йифиндисига тушунамиз.

Заминлаш қурилмасини электр қаршилиги 4 Ом дан катта бўлмаслиги керак (ПУЭ га асосан) [ ].

Заминлаш электродлари подстанция майдони периметри бўйича вертикал равишда, уни устки қисми ер юзидан  $0,5 \div 0,7$  метр чуқурликда жойлаштирилади.

Вертикал электродлар сифатида узунлиги  $\ell=2$  м ва диаметри  $d=16$  мм бўлган пўлат стерженлар ишлатилади. Вертикал электродларни устки қисми горизонтал электродлар билан бирлаштирилади. Хисобланадиган заминлаш курилмасини электр қаршилигини 4 Ом га тенг деб оламиз.

Вертикал ва горизонтал электродлар учун тўпроқни хисобий солиштирма қаршилигини аниқлаймиз

$$\rho_{\text{в}} = \rho \cdot K_{\text{в}} = 106 \cdot 1,4 = 150 \text{ Ом} \cdot \text{м}$$

$$\rho_{\text{г}} = \rho \cdot K_{\text{г}} = 106 \cdot 2 = 212 \text{ Ом} \cdot \text{м}$$

бу ерда:  $\rho$  – тўпроқни солиштирма қаршилиги

$K_{\text{ПВ}}$  ва  $K_{\text{ПГ}}$  – коэффициентлар [ ].

Тўпроқни солиштирма қаршилиги ПУЭ тавсияси бўйича хисобланади ва тўпроқни солиштирма қаршилигини аниқлаш ёз ойларида ўтказилади.

Битта вертикал электродни (оқиш) қаршилигини топамиз

$$R_{\text{pb}} = \frac{\rho_e}{2\pi\ell} \left( \ell_n \frac{2\ell}{1,6 \cdot 10^{-3}} + \frac{1}{2} \ell_n \frac{4t + \ell}{4t - \ell} \right) = \frac{150}{2 \cdot 3,14 \cdot 2} \left( \ell_n \frac{2 \cdot 2}{1,6 \cdot 10^{-3}} + \frac{1}{2} \ell_n \frac{4 \cdot 1,7 + 2}{4 \cdot 1,7 - 2} \right) = 62 \text{ Ом}$$

бу ерда:  $\ell$  – электрод узунлиги,  $d$  – диаметри

$t$  – коэффициент.

Вертикал электродлар сонини аниқлаймиз

$$N = R_{\text{pb}} / (K \cdot R_c) = 63 / (0,64 \cdot 4) = 22 \text{ та}$$

бу ерда:  $K$  – фойдаланиш коэффициенти

$$R_c = R_3 = 4 \text{ Ом.}$$

Горизонтал электродларни (оқиш) қаршилигини аниқлаймиз

$$R_{\text{pr}} = \frac{\rho_g}{K \cdot 2\pi\ell} \cdot \ell_n \frac{\ell^2}{dt} = \frac{212}{0,31 \cdot 2 \cdot 3,14 \cdot 64} \ell_n \frac{64^2}{0,016 \cdot 0,7} = 21 \text{ Ом}$$

бу ерда:  $\ell$  – горизонтал электродлар узунлиги

Вертикал электродларни зарурий қаршилигини горизонтал туташтирувчи электродлар қаршилигини хисобга олган холда аниқлаймиз

$$R_b = (R_{\text{pr}} \cdot R_3) / (R_{\text{pr}} - R_3) = (21 \cdot 4) / (21 - 4) = 4,1 \text{ Ом}$$

Вертикал электродлар сонини аниқлаштирилганфойдаланиш коэффициентини  $K=0,61$  хисобга олган холда аниқлаймиз

$$N = R_{\text{pb}} / (K \cdot R_b) = 63 / (0,61 \cdot 4,1) = 23 \text{ дона}$$



Олинган натижаларга асосан 23 дона вертикал электродни  $r=64$  м периметр бўйича ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ерлаштириш симини кесими рухсат этилган узоқ муддатли ток ва фаза симларини кесими бўйича танланади. Ерлаштириш симларини кесими фаза симлариникидан  $1/3$  га кам бўлмаслиги ва ПУЭ да кўрсатилган кесимдан катта бўлиши керак. Ҳар доим қўйидаги кесимли симлар ўринли бўлади.

$$S_{\Pi}=120 \text{ мм}^2 - \text{пўлат сим учун}$$

$$S_A=35 \text{ мм}^2 - \text{алюмин сим учун}$$

$$S_M=25 \text{ мм}^2 - \text{мис сим учун}$$



7-расм. Корхона подстанциясини заминлаш схемаси.

## **2.9 Корхона электр таъминоти тизимини иқтисодий самарадорлигини асослаш**

Электр таъминот тизимининг иқтисодий самарадорлиги сарифланган капитал харажатларни қоплаш муддати билан баҳоланади. Электр таъминоти тизими учун барча сарф харажатлар ва электрэнергия йўқотишлар қийматини норматив қоплаш муддати  $T_n = 8$  йил.

Иқтисодий самарадорликни аниклаш учун 2 та вариант электр таъминот тизими танланади ва уларни техник иқтисодий кўрсатишлари хисобланади. Наъмунавий хисоблаш қўйидагича бажарилади.

Электрт таъминот тизимини умумий қиймати

$$\Sigma K_T = \text{Комплект трансформатор нархи } 25920 \text{ минг сўм}$$

$$\Sigma K_L = \text{Хаво ва кабел линиялари нархи } 11390 \text{ минг сўм}$$

$$\Sigma \hat{E}_{\hat{e}\delta} = \text{Нимстанция электр курилмаларини нархи } 19845 \text{ минг сўм}$$

Умумий капитал сарфларни хисоблаймиз

$$\Sigma K = \Sigma K_O + \Sigma K_E + \Sigma \hat{E}_{\hat{e}\delta} = 25920 + 11390 + 19845 = 57155 \text{ минг сум}$$

Амартизацион ажратмаларни хисоблаймиз

$$\Sigma_{CA} = \Sigma K \cdot 0,063 = 57155 \cdot 0,063 = 3600 \text{ минг сум}$$

Йиллик электр энергия киймати

$$\Sigma C_P = C_{n1} + C_{n2} = 138,8 + 144 = 272,3 \text{ минг сум йил}$$

Жами фойдаланилган харажатлар

$$\Sigma C_3 = \Sigma C_A + \Sigma C_P = 3600 + 273,3 = 3873,3 \text{ минг сум йил}$$

Биринчи вариант электр таъминоти тизими учун хам худи шундай хисоблашлар бажарилади ва хисоблаш натижаларига асосан жами сарф харажатларни кийматини қоплаш муддатини аникланади

$$T_{KM} = \frac{\Sigma K_1 - \Sigma K_2}{\Sigma C_{32} - \Sigma C_{31}} = \frac{69500 - 57155}{3873,8 - 2664,3} = 10,2 \text{ йил}$$

вар	$\Sigma C_A$ МИНГ сум/йил	$\Sigma C_P$ МИНГ сум/йил	$\Sigma C_3$ МИНГ Сум/йил	$\Sigma K$ МИНГ сум
1	2386,3	278	2664,3	69500
2	3600	273,3	3873,3	57155

Агар  $T_{km} \leq 8$  йил бўлса, капитал сарфлари катта вариант қабул қилинади. Агар  $T_{km} \geq 8$  йил бўлса, капитал қўйилмалари кичик бўлган вариант танланади. Юқорида келтирилган шартга асосан  $10,2$  йил  $\geq 8$  йил бўлганлиги учун капитал сарф харажатлари кичик 2 вариант электр таъминотини танлаймиз.

**ХАЁТ ФАОЛИЯТИ  
ХАВФСИЗЛИГИ**

## **Инсон фаолиятида электр токининг аҳамияти.**

Электрдан жароҳатланиш ишлаб чиқаришдаги барча жароҳатларнинг 1% миқдорини ташкил қиласада, аммо ўлим билан туговчи баҳтсиз ҳодисаларнинг 20...30% миқдорини эгаллади. Шунингдек, ўлим билан туговчи баҳтсиз ҳодисаларининг 80% гача содир этилганлари 1000 В кучланишли бўлган электр қурилмаларига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш жараёнларида турли асбоб ускуналарни ишлатиш электр қувватидан кенг миқёсида фойдаланишни тақазо этади.

Шу сабабли, электр токи таъсирида рўй берадиган баҳтсиз ҳодисаларинг олдини олиш, ундан ҳимояланиш каби масалаларни ечиш ўта муҳимдир.

Электр токининг энг хавфли томони шундаки, бу хавфни олдиндан сезишнинг имконияти йўқ.

Кўп ҳолларда электр асбобларининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоидаси ва талабларига амал қилмаслик кишиларни турли даражада жароҳатланишларига олиб келади (25- расм).

Электр токи, одам танасига *термик*, *электролитик* ва *биологик* равишда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олиши жараёнида, юрак фаолиятида, моддалар алмашинувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгаришлар рўй беради. Ток таъсирида кўп ҳолларда кучли куйиш ҳолати кузатилади.

**Термик қуийш 4 даражада кузатилади.**

1. Термик қизариш;
2. Пуфакчалар ҳосил бўлиши;
3. Тери юзасининг мўртлашиши;
4. Тери тўқимасининг тўлиқ куйиб кетиши.

**Электролитик таъсири** – эса қон ёки хужайралар таркибидаги тузларнинг парчаланиши натижасида қоннинг физик ва кимёвий хусусиятлари ўзгаради.

**Биологик таъсири** инсон организмидаги тирик хужайралар, мускулларнинг кескин қисқариши натижасида тебранади бунинг натижасида организмда биоэлектрик жараёнларнинг бузилиши рўй беради.

Ўзгарувчан ток (50 Гц да) ўзгармас токдан хавфли ҳисобланади. Хавфсиз ўзгарувчан ток кучи миқдори 10 мА, ўзгармас ток учун 50 мА қабул қилинган. Таъсир этадиган вақт эса 0,01-0,03 секундни ташкил этади. Вақт ортиб бориши билан (0,2-1 с) юрак фаолияти ўзгаради.

Одамларни *ток уриши* ҳолати ҳам тўрт даражада баҳоланади.

**1- даражада** одам ҳушини йўқотмайди лекин мускуллар қисқаради.

**2- даражада** мускуллар қисқаради, ҳушини йўқотади. Лекин, нафас олиши сақланади ва юрак ишлаб туради.

**3- даражада** нафас олиши, юрак фоолияти бузилади, киши ҳушини йўқотади.

**4- даражада** ток уришда қон айланиши ва нафас олиши тўхтаб, клиник ўлим ҳолати содир бўлади.

Клиник ўлим 5-8 дақиқа давом этади. Ҳеч қандай ёрдам қўрсатилмаган тақдирда, дастлаб бош мия қобиғида хужайралар парчаланиб, клиник ўлим ҳолати биологик ўлим ҳолатига ўтади.

Электр токининг инсон организмига таъсири қўйидаги омилларга боғлик:

1. Токнинг тури, миқдори ва частотасига;
2. Таъсир қилиш вақти ва йўлига;
3. Кучланиш қисмларига ва уланиш жойига;

4. Ташқи мұхит шароитига, инсон танаси қобилятига;

5. Ҳимоя воситаларидан фойдаланиш даражасига.

Одамнинг қуруқ заарланмаган териси 2000-20000 *Ом* қаршиликка эга бўлса, заарланган ва намланган тери 40-500 *Ом* қаршиликка эга.

Барча ҳисоблар учун инсон аъзоларининг қаршилиги ўртача 1000 *Ом* деб қабул қилинган.

Электр токининг организмга таъсири токнинг ўтиш йўлига ҳам боғлиқ (27-расм).

Токнинг ўтиши одамнинг ёшига, соғлиғи ва жинсига боғлиқ.

Электр токидан ҳимояланиш одамнинг электр шаҳобчалари ва электр қурилмаларига қандай боғланганлиги билан баҳоланади.

Электр қурилмаларидан фойдаланиш даврида инсонни бир фазали токка уланиши куйган лампаларни ва эрувчан сақлагичларни алмаштиришда учрайди, икки фазали уланиш эса олдингиларга нисбатан камроқ вазиятларда юзага келади, яъни узгичлар (рубилниклар), тақсимлаш қутилар билан ишлаганда содир бўлади.

Машиналар ва жиҳозларнинг металл қисмларида статик электр зарядлари тўпланиб қолишидан ҳам одамлар жароҳатланишлари мумкин.

Статик электр зарядлари деганда, электр энергиясининг потенциаллар заҳираси тушинилади ва бу энергия жиҳозлар ва конструкцияларни ўзаро ёки металл қисмларининг ишқаланиши, атмосфера электрларининг ўтиши туфайли ҳосил бўлади. Статик электр заряди шунингдек органик суюқликлар (бензин, бензоллар)ни ташишда ёки босим остида жўнатишда, диэлектрик моддаларнинг металл қувурлар ва идишлар билан ишқаланишидан ҳосил бўлади.

Статик токлар күп микдорда органик чанг түпланадиган хоналарда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Статик электр зарядларинг микдори бир неча минг вольтга етади ва уларнинг учқунли чақнаши портлаш ва ёнгинларни келтириб чиқаради.

Икки фазали чизиқли кучланиш киши танасига бир вақтда таъсир қиласа жуда хавфли ҳисобланади.

А) Бу ҳолда шикастланиш ток кучи, таъсир этиш вақти ва одамнинг қаршилик кўрсатиш қобилиятига боғлиқ (28 –расм,*а*). Бу схемада ток кучи қуидагича ҳисобланади

$$\mathbf{J} = \mathbf{V}_q / \mathbf{R}_o$$

бу ерда  $V_q$  - чизиқли кучланиш,  $R_o$  - одам қаршилиги.

Электр токининг инсон танасига таъсири қўйидаги ҳолатлари кузатилади (3-жадвал).

Б) Ер билан нейтрал уланган уч фазали электр тармоғининг бир фазасига одам уланишида юқоридаги схемага қараганда хавф камроқ бўлади (28 – расм,*б*). Бу ҳолда ток кучи қуидагига teng бўлади:

$$\mathbf{J} = \mathbf{V}_q / (\sqrt{3} R_o).$$

бу ерда:  $V_q$  - чизиқли кучланиш


$R_o$  - одам қаршилиги

Бу ҳолда организмдан оқиб ўтган ток қўйидаги физик қонунга бўйсунади.  $J = V_q / (1,73 R_o) = 380 / (1,73 \cdot 1000) = 0,3 \text{ A.}$

В) Нейтрал қопламанинг тармоқдаги фазаларнинг ток берувчи қисмларидан бирига тегиши натижасида одам шикастлан ҳолда (28 – расм,*в*) ток кучи қуидагига teng бўлади:

$$\mathbf{J} = \mathbf{V}_q / (\sqrt{3} R_0 + R_{u3} / \sqrt{3} \cdot R_0)$$

бу ерда:  $R_{из}$ - қоплама қаршилиги.




**27-расм. Электр токининг инсон организмига таъсир**

**йўллари схемаси**

3-жадвал

№	Таъсир турлари	Таъсир ҳолати	Инсон танасидан ўтаётган токнинг тури ва кучи (mA)	
			ўзгарувчан	Ўзгармас
1.	Сезадиган	Қўл панжалари енгил титрайди ва иссиқлик сезилади	0,5 – 1,5	5 -7
2.	Кўйиб юборадиган	Қўлларда қаттиқ оғриқ билинади, қизийди.	8 – 10	20 -25
3.	Ушлаб қоладиган	Қўлларни ушлаб қолади, нафас олиш қийинлашади, юрак фаолияти ўзгаради	20 - 25	50 -80
4.	Ўлимга олиб келадиган	Юракнинг тўхташи кузатилади, фалаж, ўлим ҳолати намоён бўлади.	90 - 100	500



28-расм. Инсоннинг электр токи билан боғланиши мумкин

бўлган ҳолатлари схемаси.

Электр токидан жароҳатланишнинг яна бир сабаби электр тармоғининг ерга бир қутбли уланишидан бўлиши мумкин. Бу ҳолда тармоқни ерга тегиб турган нуқтаси атрофидаги ер сатҳида потенциалларнинг тақсимланиши кузатилади – туташувчи ток оқимининг тарқалиш ҳудуди пайдо бўлади. Ток оқими тарқалиш ҳудудига тушиб қолган одамдан электр токи оқиб ўтади ва унинг катталиги қадам кучланишига боғлиқ бўлади.

**Қадам кучланиши** ток кучига, ер сиртида потенциалнинг тарқалишига, қадам узунлигига, одам турган жойдан ерга уловчи курилмагача бўлган масофага, тармоқни ерга тегиб турган жойига нисбатан ҳаракат йўналишига қараб аниқланади. Қадам кучланиши  $40 \text{ В}$  дан ошмаса у хавфсиз ҳисобланади.

Ер устида токнинг ерга уланган жойида потенциаллар тарқалиши гипербола қонунияти бўйича намоён бўлади ( - расм). Потенциалларнинг бундай тарқалиши ҳар қандай ток ўтказувчиларнинг ерга тегишида мавжуд бўлади, масалан электр тармоқларининг узилиши ва ток ўтказувчи симнинг ерга уланиб қолишидан ҳосил бўлади. Одам симнинг ерга уланган жойига қанча яқин бўлса, унга шунча катта қадам кучланиши  $U_{\text{кад}}$  таъсир қиласи.

Симнинг ерга уланиб турган жойида потенциал энг катта миқдорга эга бўлади, шу жойдан узоқлашгани сайин потенциал камайиб боради. Ток ўтказувчиларнинг ерга уланиш жойидан  $20 \text{ м}$  узоқликдан ортиқ масофаларда потенциал жуда катта миқдорда камайиши амалиётда исботланган.

Қадам кучланишларидан ҳимояланиш мақсадлари учун диэлектрик бўтилардан фойдаланилади. Қадам кучланиши ҳудудларига тушиб қолган одамлар тезда ушбу ҳудуддан майда қадамларда юриб ёки битта қадамда сакраб чиқиб кетишлари керак.

## **2. Электр токидан шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш.**


Маълумки, электр токи таъсирига тушган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш икки қисмдан иборат бўлиб энг асосийси одамни ток таъсиридан кутқариш бўлса, иккинчиси маълум усуллар ёрдамида токни ўчиришдан иборат. 1000 В кучланишгача бўлган тармоқда, агар ўчирувчи мослама узоқда бўлса, қуруқ ёғоч дастали болта билан симларни кесиб ташлаш керак. Агар кучланиш 1000 В дан кўп бўлса, унда диэлектрик қўлқоп ва мустаҳкам асбоблардан фойдаланиб кесиб ташланади.

Биринчи ёрдам бериш усуллари жароҳатланган одамнинг ҳолатига қараб белгиланади.

А) Агар одам ҳушини йўқотган бўлса, уни тинчлигини таъминлаш шифокорни чақириш ёки уни олиб бориш керак.

Б) Агар одам ҳушини йўқотган, аммо, нафас олиши ва юрак тизими ишлаётган бўлса, уни қулай ва қуруқ жойга ётқизиш, ёқасини бўшатиш ва ҳаво келишини таъминлаш керак. Лозим бўлса сунъий нафас олдириш керак.

В) Клиник ўлим ҳолатида эса албатта сунъий нафас олдириш ва юракни ўқалаш керак. Бу муолажа қон айланишини сунъий тиклаш имконини беради.



**29- расм. Ток урган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш**

**схемаси.**

Ток урганда электр ўтгазгичларнинг изоляцияси ёрдам бермайди.

Жароҳатланишнинг асосий сабаблари кўйидагилардан иборат:

- махсус таъмирлаш пайтида электр токининг тасодифан улаб юбориш;
- кучланиш остидаги тармоққа хавф туғдирувчи масофада яқинлашиш;
- узилиб тушган электр симларининг кучланиши таъсирига тушиб қолиш.

Жароҳатланишни олдини олиш қўйидагича ташкил этилади:

- кучланиш остидаги ўтгазгичларни қўл етмайдиган (2,0-2,5 м) қилиб ўтказиш;
- электр тармоқларини алоҳида жойлаштириш;
- электр қурилмаларини корпусида электр токининг ҳосил бўлишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш (ерга улаш, автоматик ўчиргичлардан фойдаланиш, ташкилий чоралар кўриш);
- тармоқларнинг изоляция қопламаларини бутунлигини таъминлаш.

Бу ишларни амалга ошириш учун ишчилар махсус восита ва анжомлар билан таъминланади. Уларга ток ўтказмайдиган гилам ва таглик, этик, қўлқоп, кўзойнаклар, ҳимоя камарлари, занжирлар берилади. Ҳимоя анжомларига эса штангалар, қисқичлар, индикаторлар, монтёр жихозлари киради. Айниқса кўчма ерга улаш воситасидан фойдаланиш самарали ҳисобланилади. Шу билан бирга, асбоб ва ускуналар меъёрий ҳужжатларда келтирилган муддатларда синалади ва текшириб турилади.



**30-расм. Ток билан ишлаганда фойдаланиладиган шахсий  
химоя воситалари ва асбоблари.**

Аниқланган статистик маълумотларга кўра ток урган одамга биринчи дақиқада ёрдам берилганда унинг 90 % ҳаёти сақлаб қолинади, кечикирилганда эса бу имконият 10% тушиб қолиши тасдиқланган. Шунинг учун ҳар бир инсон дастлабки ёрдам бериш ишларини билиши шарт.

Шикастланишларни олдини олиш мақсадида бир қатор огоҳлантирувчи ва таъқиқловчи плакатлардан фойдаланиш жорий этилган ва булар қўйидагилардан иборат. ( –расм)




**УЛАМАНГ!**  
одамлар ишляяпти



### 31-расм. Ток билан ишлаганда фойдаланиладиган

огоҳлантирувчи ва таъқиқлавчи белгилар.



### Электр ёритиш тизимларидағи мухофаза қобиқларининг қизиши ва аланталаниши мүмкінлиги.

Шахсий ҳимоя воситалари сифатида, шунингдек баландликда ишларни хавфсиз олиб боришига хизмат қилувчи мосламалар қўлланилади, буларга электр- монтаж устасининг ҳимоя белбоғи, тасмали пўлат тирноқлар, мухофазаловчи арқонлар, телескопик минора, оёғи очиладиган нарвон қўчма норвон киради. Электр-монтаж устасининг ҳимоя белбоғи ва пўлат тирноқлар маълум муддатларда синовдан ўтказилиши ва мос равища гувоҳномасига эга бўлсагина фойдаланишга руҳсат берилади. Ҳимоя белбоғи  $225 \text{ кГ}$  юкланишга ва тирноқ  $135 \text{ кГ}$  юкланишга 5 минут давомида синалади.

Барча оёғи очиладиган нарвонлар ва қўчма нарвонлар махсус қайдлар журналида хисобга олинади, уларнинг инвентар рақами ва объектга беркитилганлигининг белгиси бўлган нишони бўлиши керак.


Ҳимоя воситалариға хавфли жойларга ўрнатиладиган огоҳлантирувчи плакатлар ҳам киради. Қўлланилиш вазифасига кўра плакатлар, тўртта гурухга бўлинади:

-огоҳлантирувчи: «Тегма-ўласан», «Юқори кучланиш-ҳаёт учун хавфли» ва ҳ.к.

-тақиқловчи: «Уламанг-одамлар ишляпти», «Уламанг-таъмирлаш ишлари кетаяпти». Бу плакатларни тармоқда таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда уланиш жойига илиб қўйилади.

-русат берувчи: «Шу жойда ишланг», «Шу жойдан чиқинг», «Чекиш жойи» каби плакатлар ишловчи ходимларга иш ўринлари ва дам олиш жойларини кўрсатади.

-эслатувчи: тегишли ҳаракатларни эслатади.



### **Изоляцияловчи ҳимоя воситалари асосий ва ёрдамчи воситалар.**

1-изоляцияловчи штанга; 2-изоляцияловчи қисқич; 3-диэлектрик қўлқоп;

4- диэлектрик бўти; 5-диэлектрик калиш; 6-резинали гиламча ва йўлакча;

7-изоляцияловчи таглик; 8-электр устаси асбоблари; 9-ток ўлчагич қисқич;

10-юқори кучланишни кўрсатувчи асбоб.

Резинали диэлектрик қўлқоплар ёпиқ кутилар ёки шкафларда, асбоблардан алоҳида ҳолда сақланади. Уларни ёғлар, бензин ва бошқа воситаларнинг зарарли таъсирларидан сақлаш, чанглар ва лойдан асраш керак.

**3.Электр қурилмалардан фойдаланиш хавфсизлиги.** Қурилишда уч фазали ўзгарувчан 380/220 ва 220/127 В кучланиши ва тўрт ёки уч тармоқли ток ишлатилади. Тўрт тармоқли тизим жуда оммалашган, унинг ноль тармоғи трансформаторнинг нейтрал нуктаси орқали ерга уланади. Бу эса электр қурилмаларининг металл қисмларини ерга улаб ҳимоялаш учун мўлжалланган. Одатда қурилмаларнинг металл қисмлари кучланиш ҳолатида бўлмасада, ўтказгич симларининг ҳимоя қобиқлари шикастланиши оқибатида ток пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд.

Уч тармоқли электр узатиш тизимида ноль сими мавжуд эмас ва улардаги электр қурилмаларини ҳимоялаш эса алоҳида ерга улаш орқали амалга оширилади. Электр қурилмаларини ўрнатиш ва фойдаланиш даврида электр токи таъсиридан ҳимояланишининг аниқ усули, қурилмалар жойлашган ишлаб чиқариш хоналарининг хусусиятига қараб белгиланади.

“Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари” (ПУЭ) га биноан электр токидан шикастланиш даражасига кўра ишлаб чиқариш хоналари **уч гурухга** бўлинади: ўта хавфли хоналар, хавфли хоналар ва хавфсиз хоналар.

**Ўта хавфли хоналарга** намлиги жуда юқори девор, шифт, полларида сув томчилари бўлган, ҳарорати  $35^0$  С ва ундан юқори, ҳаво таркибида кимёвий фаол моддалар бор (булар электр ўтказгичларнинг ҳимоя қобиқларини емириш хусусиятига эга) бўлган, шунингдек, хавфли хоналарга хос белгиларга эга бўлган саноат корхоналарининг хоналари киради. Саноат корхоналарининг синаш станциялари, гальваник цехлар ва очиқ ҳавода ер қазиш ишларини бажариладиган жойлар шулар жумласидандир.

**Хавфли хоналарга** нисбий намлиги узоқ вақт 75% ва ундан юқори бўладиган нам, ҳаво ҳарорати узоқ вақт  $35^0$  С ва ундан ортиқ бўлган хоналар, ток ўтказиш мумкин бўлган кўмир ва металларнинг чанглари бўладиган, поли ток ўтказувчи, металл, темир-бетон, ер, гишт ва ишлаётган ишчи бир вақтнинг ўзида бир томондан ерга уланган металл конструкциялари бўлган, иккинчи томондан электр қурилмаларининг металл корпусларига тегиб кетиши мумкин бўлган саноат корхоналарининг хоналари киради.


**Хавфсиз хоналар** деганда нисбий намлиги ва ҳаво ҳарорати меъёрида бўлган ва электр токи ўтмайдиган поли ёғочли хоналар тушинилади. Бунга мисол тариқасида маъмурий бинолар хоналари, лабораториялар, асбоблар сақланадиган омборхоналарни келтириш мумкин.

Қурилиш майдонидаги шароит хавфлилиги жиҳатидан ўта хавфли хоналарга ёки айрим ҳолатларда хавфли хоналар жумласига киритилади (масалан, намлик даражаси катта бўлган шароитда электр узатиш тармоқларига яқин жойларда ер қазиш ишлари олиб борилганда).

Электр қурилмаларидан фойдаланишда электр хавфсизлигининг асосий воситаларига қуидагилар киради: қурилманинг ток ўтказувчи қисмларига тегиб кетишдан ҳимоялаш; ўта хавфли хоналар ва хавфли хоналарда паст кучланишли токларни қўллаш; қурилмаларни ўраб турган муҳит шароитига мос келувчи машиналар, аппаратлар, асбоблар, ўтказгичлар ва кабеллар билан таъминлаш; ерга улаш ва муҳофазаловчи ўчириш қурилмаларини қўллаш.

Шнурлар, ўтказгичлар, шиналар ва кабелларнинг ҳимоя қобиқлари инсонларни ток ўтказувчи симларга тегиб кетиши хавфсизлигини таъминлашнинг асосий чораларидан биридир, чунки ҳимоя қобиғи ёрдамида одамдан ерга ўтадиган ток кескин камайтирилади. Ҳимоя қобиғининг қаршилиги ўтказгич кучланшидан минг баробар катта бўлиши талаб қилинади (масалан, 380 В кучланишли сим учун ҳимоя қобиғининг қаршилиги  $380 \cdot 1000 = 380000$  Ом бўлиши керак).

Қурилманинг ток ўтказувчи қисмларига тегиб кетишдан ҳимоялаш мақсадида тўсиқ воситаларни, хабарлов воситалари ва блокировка қурилмаларини ўрнатиш оқали амалга оширилади. Тўсиқ воситалари билан қурилмаларнинг ҳимоя қобиғи билан ўралмаган қисмлари (ўтказгичлар, шиналар, узгич контактлари, сақлагичлар, машиналар ва аппаратларнинг қисқичлари) таъминланиши керак.



### Ўзгарувчан токда ишловчи электр пайвандлаш схемаси.


1- пайвандлаш токининг тўғрилагичи; 2-ўчиргич ва сақлагич қутиси; 3- истемол учун электр ўтказгич сими; 4-пайвандлаш трансформатори; 5-ерга улаш; 6-пайвандлаш учун ўтказгич симлари; 7-қайтиш симининг мосламаси; 8-электр ушлагич-дастак.

Ҳар қандай электр қурилмасини, агар унинг металл қобиқларида кучланиш ҳосил бўлиши хавфи бўлса, қайси жойда ва қандай бинода ишлатилишидан қатъий назар, корпуси ерга уланади. **Ерга улаб муҳофаза қилишининг** асосий моҳияти ишлатилаётган электр асбобларининг металл корпусларида электр кучланиш пайдо бўлса, уни ерга ўтказиб юборишdir. Бундай муҳофазанинг хавфсиз кучланиш даражасига тушириш учун, ерга уланган жойи атрофида потенциаллар айирмаси ҳосил бўлмаслигини таъминлашдан иборат. Бир жойга йиғилган, ерга улаб муҳофазалаш қурилмасида ерга қоқилган металл қозиклар цехдан ташқарида айrim майдонларга ёки цехнинг маълум участкасига ўрнатилган бўлади.

Электр юритиш қурилмалари бўлган машина ва механизмларнинг корпуслари, электр машиналари ва қўлаки асбоблар, трансформаторлар, корпуслари, электр ёритгичларнинг арматуралари ва бошқа электр жиҳозлари корпуслари; электр-техник қурилмаларининг металл қобиқлари, синчлари ва конструкциялари, кран ости ва тельфер йўларининг рельслари, металл ҳавозалар ва иншоотларнинг конструкциялари ерга улаб муҳофазаланади.

Ерга улаб муҳофазалашнинг асосий элементлари сифатида қурилманинг корпуси ва ерга уловчи билан боғловчи ўтказгич (мис, пўлат сим, тасма ёки қурилманинг металл қисмлари)дан, ҳамда бевосита *ерга уловчи* қисмдан иборат бўлади.


Ерга уловчи қисмлар **табиий** ва **сунъий** бўлиши мумкин. Табиий ерга уловчилар сифатида бино ва иншоотларнинг ишончли равишда ерга кириб турадиган металл конструкциялари: ер остида жойлашган қувурлар, кран ости йўллари ва б. Ушбу мақсадлар учун қувурларнинг газ ва енгил алангаланадиган ёки портлашга хавфли суюқликлар ташувчиларидан ва вақтинчалик сув таъминоти учун қурилиш майдонида ётқизилган металл қувурларидан фойдаланиш тақиқланади.



**35-расм. Электр қурилмаларини ерга улаб ҳимоялаш.**

*a*- нейтрали изоляцияланган; *б*-нейтрали ерга уланган; 1-электр двигатель; 2-ерга боғловчи;; 3-нолли ўтказгич; 4-ерга улагич қурилмаси.

Сунъий ерга уловчилар сифатида одатда, ерга махсус қоқиладиган устунлар, металл таёқлар (арматуралар) ва диаметри 25...63 мм ва узунлиги 2...3 м бўлган пўлат қувурлар, кесими  $50 \times 50 \times 5$  мм бўлган пўлатдан ясалган бурчаклар ва устунларни ўзаро туташтириш учун кесими  $40 \times 4$  мм бўлган металл тасмалар ерга ўрнатилади. Мисол тариқасида - расмда минорали краннинг ерга улаб муҳофазалаш схемаси кўрсатилган.



**Минорали кранни ерга улаб ҳимоялаш.** 1- рельслар орасидаги кўприкли улам; 2- рельсларнинг чокидаги кўприкли улам; 3- ерга уловчи ўтказгичлар; 4- қўшувчи қути; 5- кирувчи қути; 6- эгилувчан шлангли кабель; 7- қоқиладиган ерга уловчи қурилма; 8- табиий ерга уловчи; 9- истемол кабели; 10- ерга қоқиладиган пўлат қувур ёки бурчак.

Ерга уловчи қисмнинг аниқ сони ҳисоблаб чиқилади ва белгиланади, лекин ерга улаш қурилмасининг ўчоғида кам деганда иккитаси қоқилган бўлиши талаб қилинади. Уларни 0,8 м чуқурликдаги ариқчалар қазиб маълум оралиқда ерга қоқиб чиқилади ва ўзаро пўлат тасмалар ёрдамида

пайвандлаб бириктирилади. Тасма ўрнига диаметри 6 мм дан кам бўлмаган пўлат таёқчалардан фойдаланиш мумкин.

Ерга уловчи қурилмалари қаршиликларининг йўл қўярли миқдорлари Электр қурилмаларини ўрнатиш Қоидаларига кўра белгиланади. 1000 В кучланишгача бўлган қурилмаларида ҳимояланган нейтрали мавжуд бўлган трансформаторнинг ерга улаб муҳофазалаш қаршилиги, трансформаторнинг қуввати  $100 \text{ kV}\cdot\text{A}$  дан катта бўлса - 4 Ом дан ортмаслиги керак, агар  $100 \text{ kV}\cdot\text{A}$  дан кичик бўлса - 10 Ом дан кичик бўлиши керак. 1000 В кучланишгача бўлган нейтрали ерга мустаҳам уланган қурилмаларда, бу ҳолда уларнинг трансформаторлар, генераторларларнинг нейтрали билан уланган бўлади, уч фазали токлардаги қаршилиги чизиқли кучланишлари 660, 380 ва 220 В ва бир фазали токларда эса 380, 220 ва 127 В бўлган кучланишли тармоқларга мос равища 2; 4 ва 8 Ом қаршиликлар тўғри келади.

Электр қурилмаларининг ток ўтмайдиган металл қисмларини олдиндан ноль сим билан улаб қўйиш **нолга улаб муҳофаза қилиш** деб юритилади. Муҳофазаловчи ноль сими электр манбай ғалтагининг нейтрал қисмларини мустаҳкам ерга улаш билан бошланиб уч фаза билан биргаликда тўртинчиси ноль сим тариқасида бутун тармоқ бўйлаб тортилади ва иложи борича кўпроқ (маълум масофада) ерга улаб борилади. Бу усулда корпусга ўтиб кетган электр токини ноль сими билан улаш ҳисобига қисқа туташув вужудга келтириш билан, электр қурилмасига келаётган ток кучининг ортиб кетишига эришилади. Бунинг натижасида электр қурилмасини муҳофаза қилиш учун ўрнатилган сақловчи, эрувчи қурилмани ёки сақловчи автоматни ўчириш билан электр қурилмасига келаётган электр токи узиб қўйилади. Бундай вазифани бажарувчи сақловчи, эрувчи қурилмалар ёки автоматлар олдиндан электр қурилмасидаги электр токининг маълум миқдорда ошишига мўлжаллаб ўрнатиб қўйилади. Корпусига ток ўтказиб юбораётган (бузилган) электр қурилмасини сақловчи эрувчи қурилмалар ўрнатилган тақдирда ўчириш 5-7 секунд, автоматлар ёрдамида эса 1-2 секунд давомида амалга оширилади.

Қурилмаларнинг ток ўтказувчи қисмларига тегиб кетиш хавфидан асраш учун, 0,1-0,2 с да ишлаб кетувчи автоматик воситаларидан фойдаланилади, масалан, электродларни алмаштириш мақсадида пайвандлаш аппаратини тармоқдан ажратиб қўйишида, кучланиши 1000 В дан юқори электр қурилмаларида бир фазали ерга туташувини автоматик тарзда ўчириш учун электр хавфсизлик релеси (РБР -110) ишлатилади.

Трансформаторнинг (бирламчи-1000 В дан юқори ва иккиламчи-1000 В дан паст кучланишли) чулғамлари орасидаги туташувдан ҳимоялаш учун иккиламчи чулғами нейтралини ерга улаш билан амалга оширилади.

Қўлаки кўчма электр лампалари ва қўлаки асбобларини улашда қўлланиладиган пасайтиргич тансформаторларида электр токидан жароҳатланишини олдини олиш, иккиламчи чулғамини биттасини ерга улаш билан амалга оширилади.

Электр қурилмаларининг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартидан яна бири шундан иборатки, уларни жиҳозлаш ва ўраб турган мухитига, монтажига ва фойдаланишга қулайлигининг шароитини яратишидир. Масалан, намлик ошиб кетган жойларда ишлатиш учун элетродвигателлар намни сачраши ёки томчилашига қарши турувчи ҳимоя қобиғи билан ўралган бўлиши, заҳарли буғ ва газли мухитларда уларни тоза ҳаво пуркаб шамоллатиш чоралари кўрилиши керак бўлади.

Қурилиш майдонидаги вақтинчалик электр тармоғида ҳимоя қобиғи билан қопланган ўтказгичлар ишлатилади, улар иш жойидан 2,5 м, йўлаклардан 3 м ва ўтиш йўлларидан 5 м баландликда, ишончли таянчларга ўрнатилиб тортиб ўтказилган бўлиши керак. Баландлиги ердан, полдан ва тагсупа тўшамаларидан 2,5 м пастдан ўтувчи ўтказгичлар, қувурлар ёки металл қутилар ичидаги жойлаштирилиб ўтказилади.

Кучланиши 36 В бўлган кўчма ток қабул қилгич қурилмаларини тармоқка шлангли ўтказгичлар (кабел) орқали уланади. Уч фазали

асбобларни улашда тўрт тармоқли кабелдан фойдаланилади, унинг битта тармоғи ерга улаш учун хизмат қиласди.

Кучланиши 36 В ва ундан кичик чироқлар ва асбобларни ток билан таъминлаш учун кўчма пасайтирувчи трансформаторлар ёки оддий трансформаторларнинг паст кучланишлари ишлатилади. Юқоридаги мақсадлар учун автомат трансформаторлар, дроселли ғалтаклар ва реостатлардан фойдаланиш қатъяян ман этилади.

Электр двигателлари, пайвандлаш трансформаторлари, қурилиш машиналари, электр асбоблари ва бошқа қурилмалар истемол қилинувчи тармоққа қисқичли (клеммали) қутилар ва ерга уланувчи бурама қисқичи мавжуд бўлган пунктларига уланади. Уланиш пунктининг ерга уловчи бурама қисқичи тармоқнинг ноль симига ишончли биринчилиб ва у орқали истемол трансформаторининг ерга уланган нейтралига боғланади.

Қурилиш майдонида жойлашган ва қурилишнинг охиригача фойдаланиладиган қуввати 180-500 кВА бўлган трансформатор подстанцияларининг электр хавфсизлиги, фойдаланиш қоидаларига биноан жиҳозларини ҳар кунлик назорат-кузатувдан бошланади.

Трансформатор подстанциялари ва пунктларини кузатиш мабойнида авваламбор хонасининг асос ва деворлари томларида тирқишлиар, ёриқлар бўлмаслиги ва созлигига эътибор бериш керак, трансформаторларнинг кенгайтирувчи идишлари ва ёғли улагичларининг ёғи сатхига, сақлагичларнинг контактлари ва шиналари созлигига, ток ўтказувчи қисмлари ва уловчи кабеллари ҳолатига, ерга улашнинг ишончлилиги ва ёритилишига, ҳимоя воситалари мавжудлигига эътибор бериш керак.

Ҳаводан ўтувчи тармоқлар хавфсизлигини таъминлаш учун, ўтказгичларнинг кўндаланг кесимларининг юзаси йўл қўярли миқдорларига амал қилиш, ер сатҳидан ва бошқа иншоотлардан баландлиги етарли бўлиши қоидалари талабларига жавоб бериши жуда муҳимdir.

Инсонларни ташқи электр тармоқларининг ўтказгичлариға тегиб кетишидан ҳимоялаш учун, ўтказгичларни қуидаги масофаларга риоя этган ҳолда ўтказилади: балконлардан, эшик олди пешайвонларидан, ишлаб чиқариш биноси томидан – 2,5 м баландликда; горизонт бўйича деразалар тепасидан- 0,5 м, балкон ва дераза остидан- 1 м, ер сатҳидан баландда- 2,75 м бўлиши керак.

#### **4.Электр токи билан ишлаганда ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари.**

Маълумки, саноат корхоналарида электр қувватидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бу технологик жараёнларда ишлатиладиган дастгоҳ, аппаратлар кўтариш ва тушириш воситалари, қиздириш, эритиш тизими ва ёритиш воситаларининг ҳаммаси электр қуввати ёрдамида амалга оширилади. Агар электр воситаларидан тўғри фойдаланилса, унда ёнғин хавфи бўлмайди. Аммо электр қурилмаларидан ҳамма вақт ҳам тўғри фойдаланиш имкониятлари мавжуд деб бўлмайди. Электр тизимидағи қисқа туташув, электр қурилмалари ва симларида кучланишнинг кўпайиб кетиши ва уларда катта қаршиликлар вужудга келиши иш жараёнида ноқулайликлар туғдиради.

Агар электр симлари ўзаро уланиб қолса ёки электр қурилмаларининг ерга уланган корпуслари билан уланиб қолса, қисқа туташув юз беради. Электр қурилмаларига катта юзага эга бўлмаган ўтказгич орқали катта ток оқими юборилса, электр симининг ниҳоятда қизиб кетиши кузатилади. Электр симлари бир-бири билан уланган участкадан ток ўтаётганда яхши уланмаганлиги натижасида ток оқиб ўтишига кўрсатиладиган қаршилик ниҳоятда кўпайиб кетади ва бунда электр ўтказгич қизиб чўгланиб кетиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолларда қизиган электр ўтказгич муҳофаза қобиқларини ёндириб юбориши мумкин. Чунки муҳофаза қобиги сифатида ёнувчи материаллардан фойдаланилади.

Агар оқиб ўтаётган ток кучи ҳисобланган катталиқдан ортиб кетса, унда ўтказгичда иссиқлик ажралиши рўй беради ва бунинг натижасида муҳофаза қобиғи ўзининг муҳофазалаш хусусиятини йўқотади.

Электр ўтказгичларида ҳосил бўлган иссиқлик миқдорини қуидагича аниқлаш мумкин:

$$Q = 0,24 \cdot I \cdot R \cdot t .$$

Бу ерда:  $I$ - ток кучи,  $A$ ;  $R$  – ўтказгичнинг электр қаршилиги, Ом;  $t$  – вақт, сек.

Электр тизимларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун ўтказгичлар “Электрдан фойдаланиш қурилмаларини ишлатишдаги техник қоидалар” асосида ҳисобланади ва керакли қўндаланг кесимларга эга бўлган симлардан ва уларни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланилади, шунингдек, тармоқдаги электр қувватини ҳисобга олган ҳолда сақловчи қурилмалар билан жиҳозланади. Электр жиҳозларини ўрнатишда корхона ва хонанинг ёнфинга хавфлилик даражасини ҳисобга олиш шарт. Агар электр қурилмалари қоидага мувофиқ ўрнатилган бўлса ҳам унинг ток ўтказувчи қисмлари енгил алангаланувчи ёки ёнувчи суюқликларга тегиб турса, унда бундай ҳол унинг ёнфинга хавфлилик даражасини камайтирамайди.

Электр қурилмалари ва электр тизимларини ўрнатганда қисқа туташув бўлган тақдирда уларни ўчириб қўйиши таъминлайдиган сақловчи қурилмаларни тайёрлаб қўйиши керак. Электрни ўчирувчи тизимларни берк қопқоқлар билан таъминлаб ўчириш, ёкиш вақтида чиқадиган учқун ёнгин ёки портлашга сабаб бўлмаслигини таъминлаш керак. Электр тақсимлаш тизимлари ҳам улаш ва ўчиришда учқунлар чиқариб ёнгин хавфини кучайтиради. Шунинг учун уларни ёнмайдиган материаллардан қурилган, хавфли аралашмалар бўлмаган хоналарга ўрнатилади.

Электр ёритиш тизимлари ҳам муҳофаза қобиқларининг қизиш ва алангаланиши мумкинлиги жиҳатидан ёнгин хавфини туғдиради. Шунинг

учун ҳам ёритиш тизимларини ўрнатишда уларнинг ўтказгичлари яхши муҳофаза қилинганигини текшириб, олдин такидлаганимиздек, резина ёки металл қувурлар орқали ўтказиш тавсия қилинади. Электр лампалари ёритаётган вақтида кўпроқ ҳароратда қизиши мумкин. Бундай шароитда унинг юзасига ўтирган чангларнинг ёниб кетиш эҳтимоли кучаяди. Унинг олдини олиш, электр лампаларининг тузилишини ўзгартириш орқали амалга ошириш мумкин, яъни оддий лапаларни очиқ арматуралари билан ўрнатиш ўрнига, ёнғин ва портлашга чидамли арматурали маҳсус ёритишни қўлланиши яхши самара беради.

**ХУЛОСА**

## **Хулоса**

Ушбу диплом лойихасини кириш қисмида хозирда электр энергетикаси шу жумладан машинасозлик корхоналари пресслаш цехларини электр таъминоти тизимидағи муаммолар ва диплом лойихаси мавзусини долзарбилиги ва мақсади баён этилди.

Диплом лойихасини I бобида корхона электр истеъмолчилари тавсифи, пресс электр жихозлари цехи электр таъминотига қўйилган асосий талаблар, корхона электр юритмаларни бошқариш, электр энергетикасининг хозирги замон муаммолари ва подстанциянинг ўрнатиш жойи ва электр энергия истеъмолчилари тўғрисидаги маълумотлар тахлил этилди.

Диплом лойихасини II бобида корхона электр юкламаларини ҳисоблаш, пресс электр жихозлари цехи ёритиш қурилмаларини ҳисоблаш, куч трансформаторлар сони ва қувватини танлаш, пасайтирувчи подстанцияни ўрнатиш жойини аниқлаш, корхона электр таъминоти тизими, электр қурилмаларида қисқа туташувлар, нимстанция электр қурилмаларини танлаш, нимстанция заминлаш қурилмаларини ҳисоблаш, корхона электр таъминот тизимини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш каби бўлимлар тахлил этилди.

Бундан ташқари машинасозлик корханаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми қўриб чиқилди.

Корхона подстанциясини атмосфера ўта кучланишдан химоялаш тизими ўрганилди ва тегишли схемалар келтирилди.

Истеъмол килинаётган электр энергиясидан оптимал фойдаланиш максадида Корхона подстанцияси учун замонавий электр қурилмалари танланди ва лойихаланаётган корхона электр таъминот тизимини иқтисодий самарадорлиги тахлил этилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН**

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. N. Usmonxo’jaev, V. Yoqubov, A. Qodirov, G’. Sog’atov “Elektr ta`minoti”. Toshkent. “Fan va texnologiya”, 2007 у.
2. Imomnazarov A.I. “Sanoat korxonalar elektr jixozlari”. Toshkent. Shark, 2005 у.
3. S.K. Kamolov. T.K. Jabborov. “Sanoat korxonalarining elektr ta`minoti”. Farg’ona, 2002 у.Князевский В.А, Липкин Б.Ю. Электроснабжения промышленных предприятий. Москва. В.Ш,2001 г.
4. Федоров Г.В., Сербиновский А.Б. Электроснабжения промышленных предприятий. Москва. В.Ш., 2001 г.
5. Мукосеев Ю.Л. Электроснабжение промышленных предприятий. Москва. Энергия, 2001 г.
6. Правила Устройств Электрических установок. (ПУЭ). Москва. Энергоатомиздат, 2001 г.
7. Справочник по электроснабжению промышленных предприятий. Промышленные электрические сети. Под ред. А.А.Федорова и Г.В.Сербиновского. Москва. Энергия, 2005 г.
8. Справочник по электроснабжению промышленных предприятий. Электрооборудования и автоматизация. Под ред. А.А.Федорова и Г.В.Сербиновского. Москва.,Энергия. 2001 г.
9. Электротехнический справочник: 2-том. Под общей ред проф МЭИ. Москва. Энергоатомиздат, 2005 г.
10. Электротехнический справочник: 3-том. Под общей ред проф МЭИ. Москва. Энергоатомиздат, 2001 г.
11. Солдаткина Л.А. Электроснабжение городов. Москва. Энергоатомиздат, 2002 г.
12. Крупович В.И. и др. Проектирования промышленных электрических сетей. Москва. Энергоатомиздат, 2004 г.
13. Пособие к курсовому и дипломному проектированию для электроэнергетических специальностей. Москва. Высшая школа, 2004г.
14. <http://www.eltech.ru> <http://www.ziyonet.uz>